



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 8 ноябрь, № 237 (8580)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАРНИНГ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Қатар Давлатининг собиқ Бош вазири, ушбу мамлакатдаги қатор йирик инвестиция ва саноат холдинглари асосчиси Ҳамад бин Жассим Ол Сонийни қабул қилди.

Қатар делегацияси олий даражадаги келишувлар доирасида юртимизда бўлиб турибди. Ўзбекистонда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Бухоро шаҳрида замонавий меҳмонхона мажмуаси, Тошкент шаҳрида йирик логистика маркази, савдо ва тураржой мажмуасини қуриш, юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган автомобиль ва темир йўллар инфратузилмасини барпо этиш, аэропортларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика, металлургия, тўқимачилик саноати, чорвачилик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидан. Ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма фонд ташкил этиш режалари ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳалар қўшма "Йўл харитаси" асосида амалга оширилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

ИХТ ДОИРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАР

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҚАМЛАМОҚДА

Иқтисодий тараққиётни таъминлашда нафақат мавжуд ички захиралардан, балки халқаро иқтисодий ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш ҳам муҳим омилдир. Шу маънода, бу каби ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб келаётгани бежиз эмас.



1985 йилда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан асос солинган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ҳам ана шундай тузилмалардан бири бўлиб, унга 1992 йил Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг барча давлати аъзо бўлиб кирганди. ИХТ худуди дунёнинг энг бой минтақаларидан бири ҳисобланади. Унда турли соҳаларда, хусусан, транспорт, энергетика, сайёҳлик секторларида кўп томонлама ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар ва қўлайликлар мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тараққиёт учун муҳим аҳамият касб этадиган инфратузилмалар нуктаи назаридан ҳам илҳомий кўрсаткичларга эга. Хусусан, ташкилотга аъзо давлатлар 8 миллион квадрат километр майдонни қамраб олган юртлар бўлиб, Осиё китъасининг 20 фоизини, жаҳоннинг 6 фоиз қисмини ташкил этади. Шунингдек, ИХТ минтақаси 500 миллиондан кўпроқ аҳолига эга бўлиб, йирик

имкониятларга эга истеъмол бозори ҳисобланади. Бу давлатлар ўртасидаги ўзаро товар айланмаси эса 600 миллиард долларга етади. Аммо қўшма инвестициялар киритиш учун қўлай шароитлар мавжудлигига қарамадан, бу борадаги ишлар яқин пайтларда дуч келинди. Сиёсий кескинликларнинг мавжудлиги ва шу туфайли сақланиб қолаётган тараққиёт ҳамда ташкилотга аъзо бўлган айрим давлатларда юзага келган ички муаммолар шулар жумласидандир. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг нуфузини ошириш фақат унинг имкониятлари ва манбаларидан тўла фойдаланиш орқали рўйбга чиқади. Бунинг учун минтақада умумий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро жипсланишга қаратилган савий-ҳаракатларни янада қучайтириш зарур шарт ҳисобланади.

Мулоқот

ЖАҲОН БАНКИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Жаҳон банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозим, ўтган йили ушбу нуфузли халқаро молия ташкилоти директорлар кенгаши мамлакатимиз билан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини тасдиқлаган эди.

Бугунги кунда Жаҳон банки томонидан мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш, тадбиркорлик лойиҳаларини ривожлантириш ва молиялаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш, қишлоқ инфратузилмаси ва ўрта шаҳарларни модернизация қилиш, хотин-қизлар бандлиги ҳамда ёшларнинг касбий таълими, соғлиқни сақлаш стратегиясини амалга ошириш бўйича кенг қўламли лойиҳалар йўлга қўйилган.

Хусусан, банкнинг 2,7 млн. АҚШ доллари миқдорига грант маблағ-

лари ҳисобидан аёллар иқтисодий имкониятларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, Фарғона вилоятининг Фурқат, Учкўприк, Ёзёвон, Қўштепа ҳамда Жиззах вилоятининг Янгиобод, Бахмал, Фориш ва Зомин туманларида "аёллар дафтари"га киритилган чекка қишлоқлардаги 3500 нафар хотин-қизни тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, 350 нафарининг бизнес режаларини молиялаштириш чораларини кўриш мўлжалланган.

Тадбирда Жаҳон банки томонидан инсон капита-

лини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш борасида ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Мулоқотга ушбу лойиҳаларга дахлдор вазирилик ва идоралар вакиллари ҳамда Жаҳон банки мутахассислари ҳам жалб этилди. Айтилганидек, мазкур молия ташкилоти вакиллари томонидан мамлакатимизда қатор тадқиқотлар олиб борилди ва Ўзбекистонда гендер баҳолаш натижалари бўйича хулоса тайёрланди. Унда 4 йўналиш, яъни гендер меъёрлари ва ижтимоий қўтильмалар, инсон капитали, иқтисодий имкониятлар ҳамда аёллар эркинлигини ошириш бўйича мамлакатимизда рўйбга чиқарилаётган ишлар ўрин олган.



Акция

ИЛК БОР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Жорий йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда юртимизда илк мартаба Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлигини ўтказиш режалаштирилган эди.

Бундан мақсад — мамлакатимизни барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижро этилиши устидан парламент назоратини олиб бориш, бу борада ҳукуматга кўмаклашиш, аҳолининг хабардорлик даражасини кўтариш, тараққиёт мақсадларига эришишда парламентларо алоқаларни кенгайтириш ҳамда мазкур мақсадларнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида амалга оширилиши белгиланган ислохотлар билан ҳаммажамият томонидан таъминлашдан иборат.

Эътиборлиси, ойлик давомида ҳар бир миллий мақсад бўйича халқаро

экспертлар иштирокида 24 та анжуман ташкил этилади ва уларда миллий мақсадлар билан бирга, БМТнинг Юқори даражадаги сиёсий ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирларда муҳокама қилинган долзарб масалалар кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2022 йил 14 декабрда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларолини қучайтириш тўғрисида"ги резолюциянинг ҳамда миллий мақсадлар доирасида олиб

борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган брифинг ва матбуот анжуманлари ташкил этилади. Ойлик доирасида Тошкент шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо ҳамкорлик бўйича II глобал форум ҳам бўлиб ўтади.

Умуман олганда, Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги ва II глобал форумда хорижий давлатлар парламентлари, парламентларо раҳбарлари ва аъзолари, ёшлар парламентлари, давлат органлари, халқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий-тадқиқот муассасалари экспертлари (жами 500 нафардан ортиқ) аъзонавий ва онлайн тарзда қатнашиши кутимлоқда.



Польшада янги Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-логистика салоҳияти тақдим этилди

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан Польша — Осиё Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Ўзбекистон ва Польша ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-логистика соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ҳамкорлик

Унда Польша-Шарқ ҳамкорлиги уюшмаси, «SCHNEIDER GROUP», «Omid», «ESA Logistics», «Symlog», «Stokota», «Jolante Kramer emole-express», «Border Servis», «Marek Loos», «Transport Manager», «PFC» ва бошқа нуфузли компаниялар раҳбарияти қатнашди.

Мамлакатимиз дипломатик миссияси ходимлари томонидан ўтказилган тақдимотда Ўзбекистон — Польша ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболлари, янги Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-логистика салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Польша собиқ Бош вазирининг ўринбосари ва палата президенти Януш Пехончинининг қайд этишича, Польшада Ўзбекистондаги жадал ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнини диққат билан кузатишмоқда.



ЖАМИЯТНИНГ БЕҚИЁС КУЧИ ВА БОЙЛИГИ

Ёшлар — ҳар бир давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бойлиги, янги гоъларни амалга татбиқ этадиган беқиёс кучи ҳамда тараққиёти манбаи. Шу сабабли тараққиётпарвар жамиятларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилади.

Мушоҳада

Ушбу масаланинг бунчалик долзарб бўлишига бошқа сабаблар ҳам бор. Гап шундаки, ҳозирги пайтда бутун сайёраимизда 70 миллиондан ортиқ ёшлар муқим иш жойига эга эмас, бандлиги таъминланганлари ҳам оғир меҳнат шароитида ёки норасмий секторда фаолият олиб боришга мажбур бўлмоқда. Оқибатда аҳоли даромадлари кам ёки ўрта ҳисобланган мамлакатларнинг 150 миллион нафардан ортиқ ёшлари камбағалликда умр кечираётир.

Бу борадаги вазият Марказий Осиёда ҳам мақтарли эмас, яъни минтақа бўйича 16 фоиздан ортиқ ёшлар бандлиги таъминланмаган.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев томонидан халқаро майдонда ёшлар масаласига

доир қатор ташаббуслар илгари суриб келиняпти. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш ташаббуси бидирилган. Бу ташаббус халқаро ҳаммажамият томонидан ҳам қизгин қўллаб-қувватлангани ва ушбу ҳужжатни қабул қилиш борасидаги ишлар жадаллик билан олиб борилаётгани диққатга сазовор.

Давлатимиз раҳбари Туркменистондаги "Аваза" миллий сайёҳлик ҳудудида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, бутун дунёда ёш авлод онги ва қалби учун кураш

давом этаётган бугунги кунда Марказий Осиё келажаги бўлган ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш лозим эканлиги ургуланди.

Бугунги ахборот технологиялари ривожини, иқлим ўзгариши ва пандемия даврида ёшлар катта муаммо ва таҳдидларга дуч келмоқда. Шундай қилиб, навқирон авлод фаровонлиги бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон учун ҳам кун тартибидидаги масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун барча шароитни яратишга қаратилган.

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсатида йигит-қизларнинг муаммоларини ўзлари ҳал этишига кўмаклашиш етакчилик қилади. Президентнинг Олий Мажлис палаталари ҳузуринда Ёшлар парламентларини ташкил қилиш ташаббуси бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди, десак, айни ҳақиқат. Негаки, ёшларимиз нафақат қонун ижодкорлиги жараёнлари билан танишмоқда,



айни чоғда ўз муаммоларини Ёшлар парламентлари орқали илгари сурмоқда.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегшли қарори билан 2020 йилда жамоатчилик асосида фаолият йўлга қўйилган Ёшлар парламентининг мақсади — эрта таълимнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва саводхонлиги,

ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилик жараёнига жалб этишдан иборат. Бу янги тузилма ёшлар сиёсий фаоллигини намойён қилиб, юртимизда уларга кўрсатилаётган катта эътибор намунаси бўлди.



ЖАМИЯТНИНГ БЕҚИЁС КУЧИ ВА БОЙЛИГИ

Мақсуд тузилма аъзолари "Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзuida ўтказилган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумидан фаол иштирок этди, улар томонидан Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция лойиҳасига тегишли тақлифлар берилди.

Бундан ташқари, 100 мингга яқин ёшлар иштирокида қонунчилик ва ислоҳотлар аҳамияти ҳамда моҳиятини тушунтиришга қаратилган 400 дан ортқ учрашув, танлов, челленж ва давра суҳбатлари ўтказилган. 20 мингга яқин йигит-қизлар иштирокида "Сайлов ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар" каби очик мулоқотлар уюштирилди. Шунингдек, конституциявий ислоҳотларни, янгиланган Конституция мазмунини кенг тартиб қилиш мақсадида таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда 300 га яқин учрашувлар ташкил этилиб, уларда минглаб ёш авлод вакиллари қамраб олинди.

Ёшлар парламенти томонидан 8 та қонунинг бугунги кундаги ҳолати ва ҳудудлардаги ихроси ўрганилиб, уларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Ёшларнинг таълим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатларига оид қонунчилик ихросини самарали ташкил этиш, маҳаллаларда ўғил-қизлар билан ишлаш, улар ўртасида спорт турларини ривожлантириш, навқирон авлоднинг маданият объектлари ва спорт иншоотларидан, маҳаллаларда "Workout" спорт майдончаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, вогага етмаган маҳжумларнинг жамиятга қайтариш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи турли ахборотлардан ҳимоя қилиш шуллар жумласидан.

"Қонунчилик ёшлар нигоҳида" лойиҳаси доирасида 14 та учрашув ўтказилиб, уларда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мазмун-моҳияти ёшларга тушунтирилди.

Тузилма аъзолари ўз фаолияти давомида жойларда йигит-қизлар муаммоларини аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасида тегишли тақлифларни Сенатга, унинг қўмиталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлирига тақдим этиб келмоқда. Айни чоғда улар 80 га яқин қонунлар муҳокамаида ҳамда қўмиталар томонидан ўтказилган 50 дан ортқ назорат-таҳлил фаолиятларида фаол қатнашди.

Шундай қилиб, ёшлар сиёсати Ўзбекистон учун доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Буни биргина охириги 6 йилда ёшлар сиёсатига доир 106 та ҳужжат қабул қилинган мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухими, ана шу ҳужжатлар доирасида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди ва изчиллик билан давом эттирилмоқда. Улар ихросини таъминлаш жараёнида Олий Мажлис Сенати, жумладан, қўмитамиз ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Фарзандларимиз ўз иш жойига эга бўлиши зарур

Бу ҳақда гап кетганда, йигит-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган мутлақо янги тизим, яъни "ёшлар дафтари" жорий этилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Чунки бу тизим орқали қанчадан-қанча ёш авлод вакиллари иш жойига эга бўлди. Ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида тизимни рақамлаштириш, берилаётган имтиёз ва имкониятлар шаффофлигини таъминлаш, жойларда амалга оширилаётган сайёҳаракатларни 3 босқичда мониторинг қилишда қўл келадиган электрон платформа фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларимизни кўлаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ва вилоятда молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида "Ёшлар дафтари" жағғармалари тузилди ҳамда уларда 1 триллион 233 миллиард сўм миқдоридан маблағлар шакллантирилди. Эътиборлиси, 2021-2022 йилларда "ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг 827 миң нафарига 962 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда ҳам бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттириляпти.

Шуларга мос равишда республика бўйича минглаб ёш авлод вакиллари касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Бундан ташқари, ўғил-қизларни талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга масофавий ўқитиш мақсадида алоҳида платформа фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар 10 миң 637 нафар ёш шу лойиҳани муваффақиятли тамомлади.

Қишлоқларда яшаётган ёшлар учун ҳам қатор қулайликлар яратилаётгани эътиборга молик. Аниқ айтганда, 439 миң нафар ана шундай йигит-қизга 151 миң гектар ер майдонлари ажратиб орқали уларни ишли қилишининг янги механизми яратилди.

Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Жумладан, 2021 йилдан бошлаб иш беворчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ суммасини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий этилиши ҳисобида қорхоналарга 150 миллиард сўм қайтарилди.

Ҳудудларда "Ёш тадбиркорлар" қорвонинг-марказлари ҳамда "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилиши ҳисобида кўлаб иш ўрнилари яратилди.

Туман (шаҳар)ларда очилган Ёшлар санонат ва тадбиркорлик зоналарида 2 миң 408 та лойиҳа амалга оширилмоқдаки, бунинг натижасида яна кўлаб йигит-қизлар бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Кейинги 6 йилда мамлакатимизда ёш тадбиркорлар 8 баробар кўпайиб, улар сони 750 миңдан ошгани ҳам бу йўналишдаги ислохотлар нечоғли самарали кечаётганидан далолат бериб турибди.

«Ёшларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти»

Халқимизда "Ёшларнинг бўш вақти — душманнинг иш вақти" деган нақл беҳиз тилга олинмайди. Унинг замирида навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга доимий эътибор қаратиш зарурати ётади.

Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсатида фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Шу боис ушбу йўналишда ҳам муҳим чора-тадбирлар кўриломоқда. 2019 — 2022 йиллар давомида юртимиздаги маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларни маданият ва санъатга йўналтириш мақсадида

2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва кўлаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинган эди. Ҳозирга қадар ушбу дастурининг "Маърифат карвони" лойиҳаси доирасида миллионлаб турли йўналишдаги китоблар ёшларга етказиб берилди. Шу билан бирга, "Ёш китобхон" ва "Китобхон оила" республика танловлари ўтказилди, 2018 — 2022 йилларда 3,6 миллион киши қамраб олинган ҳам диққатга сазовор.

Бугунги глобallaшув жараёнида келажакни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Шу сабаб ҳам ёшларни ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб қилиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда худудларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, "Бири миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида миллион нафар ёш компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитилди.

Маҳаллалардаги иқтидорли ёшларни саралаш, уларнинг истеъдодини намоийиш этишига шароити яратиш мақсадида "Беш ташаббус олимпиадаси" ўтказилиб, уларга 13 миллион нафардан ортққ ўғил-қизлар қамраб олинди. Мухими, шу жараёнда саралаб олинган юзлаб ўғил-қизларни ҳаваскорликдан профессионаликка олиб чиқиш учун малакали мураббий ва тренерларга бириктилди.

Яна бир масалага тўхталмасак бўлмайди. Гап фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бариберида, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун "Заковат" интеллектуал ўйинини оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш чораси кўриляётгани ҳақида бормоқда. Бу ҳаракатга 2,6 миллион нафардан ортққ ёшлар қамраб олинди, ҳаракатни рағбатлантириш мақсадида

Давлат бюджетидан маблағ ажратиб келинаётир.

Бундан ташқари, интеллектуал ўйинларни ривожлантириш мақсадида барча турдаги мактаб ва олий таълим муассасаларида "Заковат" интеллектуал клуби тўғракарли ва уларнинг координаторлари фаолияти йўлга қўйилди.

Истеъдод эгалари доимий эътиборда

Барча замонда ҳам халқимизнинг истеъдодли фарзандлари кўп бўлган. Демак, уларни излаб топиш, керак бўлса, мунтазам ҳолда кўлаб-қувватлаш ниҳоятда долзарб. Негаки, вақти келиб ана шу истеъдод эгалари мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда бу масалага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Кези келганда муносиб тарзда рағбатлантириляпти.

Биригина охириги 6 йилда мамлакатимиз раёналикда муносиб ҳисса қўшиб келаяётган истеъдодли, фидойи ёшларнинг



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар

758 нафари давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол мисолидир.

Илм йўлини танлаган иқтидорли йигит-қизларни кўлаб-қувватлаш мақсадида докторантура босқичи учун квота икки баробар оширилди. 2020 йилдан бошлаб бу квотани ҳар йили 50 фоизга ошириб бориш тартиби жорий этилди. Ушбу мақсадлар учун ҳар йили қўшимча равишда 100 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Президент гранти, республика миқёсдаги хорижий олий ўқув юртиларининг бакалаврият босқичи талабалари учун Президент ва давлат стипендиялари жорий этилди.

Шу ўринда 2020 йилда Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси ташкил қилинган ҳамда 99 та волонтерлик гуруҳлари фаолият қўратаётгани ҳам айтиш зарур. Худудлардаги Ёшлар марказларида очилган "Волонтерлар мактаблари"да минглаб ёш волонтерлар ўқитилди. Эътиборлиси, улар кўлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, ёлғиз кексалар бор оилаларга ижтимоий лойиҳалар доирасида кўмаклашмоқда.

Ижтимоий ҳимоя — муҳим йўналиш

Мамлакатимизда олиб бориляётган ёшлар сиёсатида уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёш оилаларни кўлаб-қувватлаш салмоқли ўрин эгаллайди. Бу борада эътиборга лойиқ ишлар қилинаётганидан ҳам кўпчилигининг яхши хабари бор.

Хусусан, тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилиб, бугунги кунга қадар 151 миң нафар ёшга 1,7 триллион сўм имтиёзли таълим кредитлари берилди. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида эса алоҳида дастур қабул қилинди. Шу дастур доирасида 2018 — 2020 йилларда 3 миң 460 та ёш оилага "Ёшлар уйлари" топширилди. Қолаверса, 2018 — 2020 йилларда

Ватанимиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтган ва ҳозирги пайтда таълим олаётган талабаларнинг шартнома тўлови учун маблағ ўтказилди.

Чин етим, ногиронлиги бор, Меҳрибонлик уйда тарбияланган ва боқувчисини йўқотган 729 нафар талабанин тўлов шартномаси қоплаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 июндаги қарори билан Ёшларга оид давлат сиёсатини кўлаб-қувватлаш жағғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг 10 сентябрга қадар ногиронлиги бўлган йигит-қизларга субсидия маблағлари ажратилгани ҳам айтиш ўтиш жоиз.

Умуман, юртимизда амалга ошириляётган ёшларга оид давлат сиёсати кенг қамровли бўлиб, ўтган даврда унинг доирасида кўлаб эзгу амаллар рўёбга чиқарилди. Олдимиздаги вазифалар эса янада залварлидир.

Хўш, бугун олдимизда қандай вазифалар турибди? Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясида ушбу вазифалар аниқ қўрилган.

Эртани эгаларига замонавий касб ва чет тилларини ўргатиш тизимини яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмий фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини қўлайтириш ва ишчилик даражасини пасайтириш, фарзандларимиз ўртасида IT соҳасини янада оmmallaштириш ва хизмат-экспортни кўлайитириш, шунингдек, юртимизда спорт билан профессионал ва доимий шуғулланган ёшлар улушини ошириш шулар жумласидандир.

Табиийки, бу вазифалар парламент вакиллари, жумладан, қўмитамиз аъзоларига улкан масъулият юклайди. Зотан, ёшлар — жамиятимизнинг бекиёс кучи ва тараққиёт манбаи экан, улар учун барча шарт-шароит ва қулайликларни яратиб беришга барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз лозим.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари.

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

Ижтимоий ҳимоя соҳасида мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга ошириляётган ислохотлар, аввало, инсон қадрини улуғлаш, манфаатларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, пенсия тизими такомиллаштирилиб, рақамлаштириляётгани, пенсиялар миқдорининг мунтазам ошириб бориляётгани эътиборга молик.

Ижтимоий ҳимоя

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 майдаги "Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини сод-далаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг янги босқичга олиб чиқди. Зеро, мазкур ҳужжат билан 2022 йил 1 июндан бошлаб, пенсия тайинлашда фуқароларнинг маълумотларини электрон базадан олиш тартиби жорий этилди.

Мазкур қарор бугунги кунда давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараёни сод-далаштириш, фуқароларнинг овоз-гарчиликларини бартараф қилиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этишга хизмат қилаяпти.

Президентимизнинг 2023 йил 31 октябрдаги "Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан пенсия тайинлашда давлат хизматлари сифатини яхшилаш бўйича навбатдаги қадам ташланмоқда.

2022 йил 1 июнга қадар пенсия тайинлаш учун фуқаролардан 14 та ташкилотдан 30 дан ортқ турдаги ҳужжатлар талаб этилиб, уларни йиғишга 6 ойгача вақт сарфланган бўлса, бугунги кунда маълумотлари электрон базада мавжуд бўлган фуқаролар пенсия тайинлаш учун фақат паспорт тақдим этиш билан ки-фояланмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг аҳамиятли томони шундаки, у билан 2024 йил 1 январдан фуқароларга пенсия

доридан норози бўлган фуқароларга, пенсия миқдорига таъсир этувчи қўшимча ҳужжатларни исталган вақтда тақдим қилиш ҳуқуқи берилганини қайд этиш жоиз.

Хорижий давлатлар таърибисига эътибор қаратсақ, пенсияларни "автоматик" тарзда тайинлаш тартиби Арманистон, Грузия, Озарбайжон ва Эстонияда йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда пенсияларни "автоматик" тарзда тайинлаш тартибини амалиётга жорий этиш бўйича 10 та банд иборат "Йул харитаси" тасдиқлан-моқда. Бунда 14 та вазирик ва идоранин маълумотлар базаси 2025 йил 1 мартга қадар хатловдан ўтказилди ва пенсия тайинлаш учун зарурий ҳуж-жатлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Бу йўналишдаги сайёҳаракатлар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимини жорий этиш билан бошлаб юборилган. Бугунги кунда ушбу реестр тизимига мурожаат қилган фуқаро ҳақида 9 та вазирик ва идоранин электрон маълумотлари базасидан реал вақт режимида электрон ахборот алмашинуви асосида 21 турдаги маълумотлар олинмоқда.

Бугун ахборот технологияларисиз ҳеч бир тармоқнинг ривожини тасав-вур этиш қийин. Қайсики йўналишда ахборот технологиялари фаол таътиб қилинди, бу фуқаролар ҳаётида қулайликлар яратмоқда. Янги техно-логияларнинг пенсия тайинлаш ва расмийлаштириш жараёнига таътиб этилиши ҳам, аввало, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилади.

Эсласак, авваллари умр бўйи ишлаб, кексалик гаштини суриш даври келганда ёши улғур юрдошларимиз идорам-идора юриб, кўп сарсон-саргардон бўларди. Биринчи босқичда ислохотлар ҳужжат йиғиш ва қўғозбозликка чек қўйган бўлса, эндиликда жорий қилиниши назарда тутиляётган ўзгаришлар фуқаролар-ни ортқиқча овозгарчиликлардан халос этиш билан бирга, уларга тизим-нинг очик ва шаффофлиғига ишонч ҳосил қилишига ёрдам беради.

Мухторжон ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Миллий иқтисодиёт: ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА НАТИЖАЛАР

Миллий иқтисодиётни ислох қилишда ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш ва хусусий мулк даҳлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бўйича муҳим таъсирчан чоралар кўрилди. Айниқса, савдо соҳасини янада ислох қилиш, ундаги тартиб-қоидаларни сод-далаштириш ва оптималлаштириш, тариф ва тарифсиз тўсикларни олиб ташлаш, экспортер номенклатураси ҳамда географияси-ни кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, божжона маъмурияти соҳасида божжона тўловлари ставкалари икки баравар қамайтирилди, 3500 дан ортққ маҳсулот турларига импорт ставкаси ва 1000 дан ортққ турдаги маҳсулотлар учун акциз солиғи нолга тенглаштирилди.

Шу билан бирга, хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий қилин-ди, экспорт-импорт операцияларини даво-мида кераксиз ҳужжатларни талаб этиш тартиби бекор қилинди ва "ягона ойна" божжона ахборот тизимига ўтилди.

Солиқлар — ҳар бир давлат ўз вази-фаларини бажариши учун фойдаланадиган молиявий манба саналади. Тарихдан маъ-луллик, солиқ турларининг кўпайиши, солиқ босимининг кучайиб бориши давлатнинг молиявий қудратини юксалтиришга эмас, аксинча, таназзулга юз тутишига сабаб бўлган. Чунки кўлаб асосида, оғир со-лиқларнинг жорий қилиниши аҳоли иқти-содий фаолигини сустайтирган.

Шу нуқтаи назардан айтганда, юртимиз-да солиқ сиёсати соҳасида олиб бориляёт-ган тизимли сайёҳаракатлар эътиборга молик. Хусусан, бугунги кунга келиб, тула-надиган солиқлар 13 турдан 9 турга қис-қаририлди. Солиқ органларининг солиқ тўло-вларининг дебиторлари ҳисобидан солиқ қарз-ларини ундириш ҳуқуқи бекор қилинди.

Аҳамиятисиз, солиқ имтиёзлари ва пре-ференциалари фақатгина Солиқ кодексига биноан берилиши амалиёти жорий этил-ди. Тадбиркорлар учун қулай солиқ тизи-ми яратилиб, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширил-ди ва ҚҚСни қайтаришнинг тезлаштирил-

Фикр

Миллий иқтисодиёт: ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА НАТИЖАЛАР

қиймати 548,7 млн. АҚШ доллари миқдориди маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилишда кўмаклашилди. Буни мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган кенг имко-ниятлардан тўлақоли фойдаланиш натижа-си сифатида эътироф этиш мумкин.

Албатта, баътирилган ишлар диққатга сазовор. Хўш, келгусида экспорт ва ташқи савдо йўналишида яна қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда?

Алоҳида қайд этиш керак, ушбу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эъти-боридадир. Бинобарин, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Янги Ўзбеки-стон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти" ғояси асосида зарур чора-тадбирлар бел-гиланган. Қолаверса, маҳаллий қорхона-лар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсу-лотларни хорижий давлатларга чиқариш-ди кўмаклашиш тизимини такомиллашти-риш ҳисобида экспортчи қорхоналар со-ҳасини ошириш, товарларнинг экспорт гео-графиясини кенгайтириш мақсад қилинган.

Ўз навбатида, Президентимизнинг "Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини кўлаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тад-бирлари тўғрисида"ги Фармони юқорида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарили-шини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлмоқ-да. Чунончи, мазкур ҳужжат билан хори-жий вақтда маҳсулотларнинг экспорт қили-шда транспорт харажатларини қоплаш учун маҳаллий қорхоналарга субсидиялар бе-рилмоқда, аккредитация ва сертификат-лаш билан боғлиқ харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоп-ланмоқда. Натижада мамлакатимиз экс-порт географияси ҳам ортққ бораётир.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда амал-га ошириляётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиётини янада тарақ-қий эттириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, муҳими, янги иш ўрни-ларни яратишга хизмат қилади. Зеро, ушбу тизимни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш давлати-миз сиёсатининг пиравор мақсадидир.

Жавлонбек ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутаты.

